



**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Фарғона вилояти 1- сонли  
туманлараро фтизиатрия  
диспансери бош шифокори  
Қ.Б.Тўйчиев

\_\_\_\_\_ 2022 йил

## **Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун Танлов ҳужжатлари**

**Фарғона -2022**

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

**Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**

### **1. Танлов предмети ва тахминий қиймати**

1.1. Танлов предмети: Фарғона вилояти 1- сонли туманлараро фтизиатрия диспансери биносини жорий таъмирлаш ишлари.

1.2. Танлов қиймати 411 000 000 (Тўрт юз ўн бир миллион) сум. Ушбу қийматидан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кунидан бошлаб 2022 йил охиригача

1.5. Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. Танлов ташкилотчилари

2.1. Фарғона вилояти 1- сонли туманлараро фтизиатрия диспансери ( бундан кейин Буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

Буюртмачи манзили: Қўқон шаҳар Раҳима Аминова 40 уй

2.2. Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Фарғона вилояти 1- сонли туманлараро фтизиатрия диспансери Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. Танлов иштирокчилари

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади.

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми( 50фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар..

## 4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.4 Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериш мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. Томонларнинг Жавобгарлиги

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид камиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ёлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. Бошқа шартлар

7.1. Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш қиритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.Таварни ( ишни хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.Шу билан бир вақтда,агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса,танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт.Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот парталида эълон қилинади.

7.4.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



ТАСДИҚЛАЙМАН

Фарғона вилояти 1- сонли  
туманлараро фтизиатрия  
диспансери бош шифокори  
Қ.Б.Тўйчиев

2022 йил

Фарғона вилояти 1- сонли туманлараро фтизиатрия диспансери жорий  
таъмирлаш ишлари учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Объект номи	Фарғона вилояти 1- сонли туманлараро фтизиатрия диспансери жорий таъмирлаш ишлари учун
2	Буюртмачи	Фарғона вилояти 1- сонли туманлараро фтизиатрия диспансери
3	Буюртма учун асос	Жорий таъмирлашда эшикларни алмаштириш, пардозлаш, канализация тизимини таъмирлаш ишлари зарурияти
4	Обектни жойлашув ўрни	Қўқон шаҳар Рахима Аминова 40 ўй
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Лойиха смета хужжатларида кўрсатилган ишларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариш ва ўз вақтида топшириш
6	Бажарилган ишлар ҳисоби китоби	Бажарилган ишлар далолтномасига мос ҳолда тўланади
7	Иш тури	Лойиха смета хужжатларида кўрсатилган ишларни бажариш
8	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб олдиндан 30% тулов ўтказилгандан сунг 15 кун муддат ичида бажариш
9	Техник ҳафсизлиги буйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техник ҳафсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт
10	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари ҳисобидан
11	Бажариладиган ишлар қиймати	411 000 000 (турт юз ўн бир миллион ) сўм